

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 336,77 (575,1)**

**Умарова Зулхумор Сайфуллаевна**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ЭМИССИЯСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2011**

**Диссертация иши Тошкент Молия институтида бажарилган.**

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Холмахмадов Замир Абдурахманович**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, доцент  
**Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич**

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Душаев Бахтиёр Муминович**

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат «\_\_\_» да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил «\_\_\_\_\_» да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган  
Кенгаш илмий котиби, и.ф.д.**

**Ф.И. Мирзаев**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамизда тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш, унинг макроиктисодий ўсиш суръатларига монандлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу номзодлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солиш ва унинг макроиктисодий ўсишни таъминлашдаги ролини ошириш борасидаги долзарб муаммолар сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. 2001 йилдан бошлаб, республикамиз тижорат банклари кредит кўйилмаларининг ЯИМга нисбатан салмоғининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Агар 2001 йилда ушбу кўрсаткич 37,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2009 йилда эса 17,8 фоизни ташкил қилди. Фақат 2010 йилда ушбу кўрсаткичнинг сезиларсиз даражада ошиши кузатилди ва 18,7 фоизни ташкил этди<sup>1</sup>.

2. Тижорат банклари кредитларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича нотекис тақсимланиши сақланиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги, қурилиш, моддий-техника соҳаси, ташқи савдо соҳасига ажратилган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи жуда паст даражада қолмоқда. Масалан, 2010 йилда тижорат банклари томонидан ташқи савдо операцияларини молиялаштириш мақсадига берилган кредитлар жами кредитларнинг атиги 0,3 фоизини ташкил қилди.

3. Республика Марказий банки мажбурий захира ставкаларининг юқори эканлиги тижорат банкларининг кредитлаш салоҳиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2011 йил 1 январь ҳолатига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкаси 15 фоизни ташкил этди. Бу эса, юқори кўрсаткич ҳисобланади. Таққослаш учун: мажбурий захира ставкаси Россияда 3,5 фоизни, евроҳудудга кирувчи мамлакатларда 2,0 фоизни ташкил қилмоқда<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш масаласининг долзарб эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Муаллифнинг шахсий ҳисоб-китоблари.

<sup>2</sup> [www.ecb.eu](http://www.ecb.eu), [www.cbu.ru](http://www.cbu.ru) сайти маълумотлари.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 41.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш мақсадида ажратиладиган кредитлар ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,8 мартага ошириш вазифаси қўйилган.

Шундай қилиб, республикамиз тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш, унинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини ошириш борасида долзарб муаммоларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу масалани мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан етарлича тадқиқ қилинмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банклари кредит эмиссиясини ташкил қилиш ва тартибга солишни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – В.Усоскин, Д.Мак Нотон, Е.Жарковская, Ж.Кейнс, И.Ларионова, Л.Миллер, М.Фридмен, Н.Валенцева, О.Лаврушин, Э.Рид, У.Х.Сотоларнинг илмий изланишларида тадқиқ қилинган<sup>4</sup>.

М.Фридмен тижорат банкларининг кредит эмиссиясини тартибга солишнинг зарурлигини пуллар таклифини тартибга солиш нуқтаи-назаридан таҳлил қилади. О.Лаврушин эса, банкларнинг кредит эмиссиясини тартибга солишда асосий эътиборни кредитларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини оширишга қаратиш керак, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар – А.Вахабов, А.Боймуратов, О.Абдусаломова, О.Намозов, Т.Бобакулов Ш.Шодмонов ва Ш.Абдуллаевлар илмий ишларида тижорат банклари кредит эмиссиясининг алоҳида назарий ва амалий жиҳатлари ўз аксини топган<sup>5</sup>.

---

<sup>4</sup> Фридмен М. Если бы деньги заговорили... пер. с англ. – М.: Дело, 1999. –100-101.с.; Лаврушин О.И. Деньги. Кредит. Банки. – Москва: КноРус, 2005. – 558с.; Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. – Москва: Консалтбанкир, 2003. –272 с.; Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Финансовая академия при правительстве РФ. – 4-е изд., стереотип. –М.: КноРус, 2008. – 264 с.; Жарковская Е.П. Банковское дело. – М.: “Омега-Л”, 2008. – 476 с.; Банковские риски. под ред. Лаврушина О.И., Валенцевой Н.И. Финансовая академия при Правительстве РФ. – 2-е изд. – М.: КноРус, 2008. – 232 с.; Миллер Л.Р. Современные деньги и банковское дело. – М.: Инфра-М, 2000. – 85бс.; Селищев А.С. Деньги. Кредит. Банки. – СПб.: Питер, 2007. – 432с.; Сото Х.У. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – М.: Социум, 2008. – 663 с.; Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: Антидар, 1998. – 320 с.;

<sup>5</sup> Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т. – Ташкент: Университет, 2003. Т. 1. – 53–76.с.; Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления /на примере Республики Узбекистан /: дис. на соис. учен. степ. докт. эк. наук. – Ташкент, 2001. – 22-53. с.; Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. – 184 б.; Саидов Д.А. Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари. и.ф.н. илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс.– Тошкент: БМА, 2008.– 133 б.; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.– Т.: Молия, 2002 й.– 304 б.

А.Вахабов тижорат банкларининг кредит эмиссияси ҳажмини ошириш мақсадида кредитларнинг фоиз ставкаларини пасайтириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш зарур, деган хулосага келган. Т.Бобакулов эса, тижорат банкларининг кредит эмиссиясини монетар сиёсат орқали тартибга солишни такомиллаштириш керак, деб ҳисоблайди.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Илмий иш Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқот мақсади:** Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

– тижорат банклари кредит эмиссиясининг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли хулосаларни шакллантириш;

– тараққий этган мамлакатларнинг тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солиш борасидаги тажрибаларини ўрганиш ва уларни республикамиз амалиётида қўллаш юзасидан амалий тавсияларни шакллантириш;

– жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг тижорат банклари кредит эмиссиясига таъсирини баҳолаш;

– мамлакатимизда тижорат банклари кредит эмиссиясининг амалдаги ҳолатига баҳо бериш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

– тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банкларининг кредитлаш амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида юзага келадиган молиявий муносабатлардан иборатдир.

**Тадқиқот методлари:** гуруҳлаш, таркибий, қиёсий ва трендли таҳлил, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот гипотезаси.** Тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш истиқболда банклар кредитларининг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини ошириш имконини бериши мумкин.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

– тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш йўналишлари асослаб берилди;

– республикамиз тижорат банклари кредитлардан олинadиган фоизли даромадларининг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи барқарорлигини таъминлаш мақсадида, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг пасайишига йўл қўймаслик, кредитлар фоиз ставкалари кескин тебранишининг олдини олиш, муддати ўтган кредитларнинг брутто

кредитлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш йўллари ишлаб чиқилди;

– пул базасининг кредит мультипликаторига таъсир даражасини пасайтириш йўли билан тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантириш, монетизация коэффициентининг амалдаги даражасини оширишни зарурлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди;

– Марказий банкнинг Репо операциялари ҳажмини ошириш йўли билан банкларнинг кредит эмиссияси даражасига таъсирини кучайтириш таклифи ишлаб чиқилди;

– кредитлар учун гаровга қўйилган мулклар қийматини ҳар йили қайта баҳоланиши ва уларнинг қийматини баҳоловчи-экспертлар томонидан берилган хулосаларга мос келишини назорат қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

#### **Илмий янгилиги:**

– тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солиш орқали кредит портфелининг сифатини ошириш йўналишлари асослаб берилди;

– республикамиз тижорат банклари кредит экспансиясини рағбатлантириш, монетизация даражасини ошириш йўллари таклиф қилинди;

– Марказий банк томонидан тижорат банклари кредит эмиссияси даражасига таъсирини кучайтиришнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;

– кредитларнинг гаров таъминотини қайта баҳолаш амалиётини назорат қилиш таклиф қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан республикамизда, тижорат банкларининг кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти олинган илмий натижалардан республикамиз тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланишнинг мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Пул, кредит ва банклар», «Банк иши» ва «Монетар сиёсат» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан (2009 йил 25 декабрдаги 17-27/547-сонли далолатнома) амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Тадқиқот ишининг асосий ғоя ва натижалари «Иқтисодий ўсишнинг янги сифати: инновация, рақобатбардошлик, инвестициялар» (Тошкент, 2008), «Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане» (Москва, 2008), «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия бозорини такомиллаштириш» (Тошкент,

2009), «Банк тизими барқарорлигини ошириш ва ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот иши Тошкент молия институти кафедралараро илмий семинарида ва Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисларида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши натижалари еттита илмий мақола ва маъруза тезислари кўринишида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши таркибан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 120 бетдан иборат бўлиб, иккита расм ва 12 та жадвални ўз ичига олади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот иши жараёнида ўтказилган таҳлиллар натижаларига асосланган ҳолда, тижорат банкларининг кредит эмиссияси, деганда улар томонидан бериладиган кредитлар миқдорини база даврига нисбатан жорий ва таққослама баҳоларда ўсишини тушуниш лозим, деган хулосага келдик.

Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг жорий баҳоларда ўсишини номинал ўсиш суръати сифатида, таққослама баҳоларда ўсишини реал ўсиш суръати сифатида баҳолаш кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан эътироф этилган.

М.Фридмен пул муомаласи барқарорлигига хавф соладиган икки ҳолатни, яъни, муҳим омил сифатида тижорат банкларининг кредит эмиссияси ва давлат бюджети харажатларини кўрсатади. Унинг фикрига кўра, тижорат банклари томонидан иқтисодиётни ҳаддан зиёд катта миқдорда кредитлаб юборилиши муомалада ортиқча пул массасининг пайдо бўлишига ва натижада пулнинг қадрсизланишига сабаб бўлади. Шу сабабли, М.Фридмен тижорат банклари кредит эмиссиясини Марказий банк томонидан қаттиқ тартибга солиниши лозимлигини, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши пул массасининг мўътадил ва мунтазам ўсишини таъминлашни таклиф қилади<sup>6</sup>. Мазкур хулоса пул массасининг ўсиш суръати доимий бўлиши лозим ва унинг ўзгариши иқтисодий конъюнктуранинг тебранишларига умуман боғлиқ эмас<sup>7</sup>, деган монетаризмнинг назарий қоидаси шаклланишига сабаб бўлди. Ушбу қоида М.Фридменнинг «пулларга бўлган талабнинг барқарор функцияси» концепциясига асосланади<sup>8</sup>. Ушбу концепциянинг моҳияти шундаки, пулларга бўлган талаб касса қолдиқлари ва номинал даромаднинг ўсишига мос равишда камаймайди, аксинча, ўзгармасдан қолади. Чунки, пуллар таклифидаги ҳар бир ўзгариш нафақат инвестициялар даражасига, балки, шахсий истеъмолнинг ҳажмига ҳам таъсир қилади. Шахсий истеъмолнинг ҳажми эса, ўз навбатида, номинал

<sup>6</sup> Фридмен М. Если бы деньги заговорили... пер. с англ. – М.: Дело, 1999. – 100-101. с.

<sup>7</sup> Фридмен М. Если бы деньги заговорили... пер. с англ. – М.: Дело, 1999. – 117. с.

<sup>8</sup> Friedman M. A theory of consumption function, NBER, Princeton, 1957. – P. 238.

даромадларнинг динамикасига мутаносиб равишда ўзгариб боради. Натижада, пулларга бўлган талаб ҳар бир алоҳида олинган давр мобайнида барқарор миқдор сифатида сақланиб қолади, пуллар таклифи эса доимий равишда тебраниб туради.

О.Лаврушин, Г.Пановалар тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишда асосий эътибор кредитларнинг даромадлилик даражаси барқарорлигини таъминлашга, миждозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартибини такомиллаштиришга қаратилиши керак, деган хулосани шакллантирадилар<sup>9</sup>.

Профессор В.Усоскин ўзининг «Замонавий тижорат банки: бошқарув ва операциялари» номли монографиясида миждозни банк томонидан кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш орқали кредит rischi даражасини сезиларли даражада пасайтириш мумкин, деган хулосага келди<sup>10</sup>. Унинг фикрига кўра, кредит линияси орқали миждозни кредитлашда компенсацион қолдиқдан фойдаланиш миждознинг кредитни қайтариш билан боғлиқ бўлган тўлов юки камайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, кредит rischi даражасининг пасайишига сабаб бўлади.

Фикримизча, компенсацион қолдиқни Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида қўллаш кредит линиясининг кредитлаш шакли сифатидаги жозибадорлигини оширади.

Уэрта де Сото ўзининг илмий изланишларида банкларнинг кредит эмиссиясини тартибга солиш масаласини чуқур тадқиқ қилган. Унинг «Пуллар, банк кредити ва иқтисодий циклар» номли монографиясида банкларнинг кредит эмиссиясини пул муомаласига ва иқтисодиётга таъсири очиб берилган ва уни тартибга солиш бўйича қатор илмий таклифлар ва амалий тавсиялар берилган. Жумладан, Уэрта де Сотонинг хулосасига кўра, тижорат банклари кредитлари миждозларнинг ихтиёрий жамғармалари асосида берилсагина кредит эмиссияси иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. Ихтиёрий жамғармаларнинг ўсган қисми ишлаб чиқаришга кредит орқали инвестиция қилинади. Ушбу кредитлар реал ихтиёрий жамғармалар билан таъминланган бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва моддий неъматларга бўлган пуллик талаб ошишига олиб келади<sup>11</sup>.

Фикримизча, ушбу илмий хулоса Ўзбекистон банк амалиёти учун ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрий жамғармаларини банк муассасаларига жалб этишда муаммоларнинг мавжудлиги туфайли, республикамиз тижорат банкларида депозит базалари етарли эмаслиги кузатилмоқда<sup>12</sup>.

<sup>9</sup> Лаврушин О.И. Деньги. Кредит. Банки.— Москва: КноРус, 2005. —558 с., Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка / Г.С. Панова.— Москва: МКЦ ДИС, 1997. — 464с.

<sup>10</sup> Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – Москва: «ВАЗАР-ФЕРРО», 1994. –189. с.

<sup>11</sup> Уэрта де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. –244-245. с.

<sup>12</sup> 2011 йил 1 январь ҳолатига, республикамиз тижорат банкларининг брутто депозитлари ҳажмида талаб қилиб олинган депозитларнинг салмоғи 64 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса, уларнинг депозит базаси

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар – А.В. Вахабов, Т.И. Бобакулов, А.Ўльмасов, Ш.Шодмонов, С.Чепель, Ф.Додиев, О.Намозов ва Р.Шомуродовлар илмий изланишларида тижорат банклари кредитларининг макроиқтисодий ўсишни таъминлашдаги ролини ошириш масалаларининг назарий ва амалий жиҳатлари баён этилган<sup>13</sup>.

Профессор А.Вахабовнинг илмий изланишларида тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг кредит қўйилмалари ҳажмини, шу жумладан, инвестицион кредитлар бериш ҳажми ошириш таклифи илгари сурилган.

Масалан, Т.Бобакулов ишида тижорат банклари кредит қўйилмаларининг макроиқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли монетизация коэффициенти даражасини ошириш нуктаи-назаридан тадқиқ қилинади.

Яъни, муаллиф фикрига кўра, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида монетизация коэффициенти даражаси нисбатан паст эканлиги кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, дебитор - кредитор қарздорлик муаммосини чуқурлаштиради. Монетизация коэффицентининг паст даражада эканлиги иқтисодиётда ўзаро тўловсизлик муаммоларини чуқурлаштиради, хўжалик юритувчи субъектлар пул оқимини заифлаштиради, тўлов қобилиятини рағбатлантиришга тўсқинлик қилади ва пулнинг айланиш тезлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Д.Саидовнинг фикрига кўра, тижорат банклари брутто кредитларининг ўсиш суръати ЯИМнинг ўсиш суръатидан паст бўлмаслиги лозим. Унинг изоҳига кўра, 2002-2006 йиллар мобайнида кредит қўйилмалари мутлак миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Лекин, унинг ЯИМдаги салмоғи мазкур давр мобайнида пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу салбий ҳолат ҳисобланади ва иқтисодиётни банк кредитлари билан таъминлашда баъзи муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Ҳозирги шароитда, бизнинг назаримизда, кредитнинг янги кейнсчилик назарияси тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу назария давлатнинг барча иқтисодий жараёнларда фаол иштирокига асосланади, бунда кредит асосий инструментлардан бири ҳисобланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, кредит воситасида ҳар қандай ҳолатда пулларни оборотга киритиш мумкин. Нақд пулсиз ўтказмалар шароитида марказий банк, тижорат банклари техник жиҳатдан исталган миқдордаги пулни муомалага чиқариши мумкин. Аммо, тижорат банкларининг нақд пулни муомалага чиқариш имконияти чекланган. Чунки, муомаладаги нақд пул миқдори Марказий банк балансининг пассивидаги мажбуриятлар

---

етарли эмаслигини кўрсатади. Тижорат банкларининг депозит базаси етарли бўлиши учун талаб қилиб олинадиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги керак.

<sup>13</sup> Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т.– Ташкент: Университет, 2003. Т. 1. –53-76. с.; Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления /на примере Республики Узбекистан /: дис. на соис. учен. степ. докт. эк. наук.– Ташкент, 2001.– 22-53. с.; Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар.– Тошкент: Fan va texnologiya, 2007.– 184 б.

суммасидан ошмайди ва нақд пулни эмиссия қилиш ваколати фақат Марказий банк зиммасидадир.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит эмиссияси ва уни тартибга солишнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинди ва мавжуд тенденциялар аниқланди.

**1-жадвал** маълумотлари орқали республикамиз тижорат банклари кредитларининг даражасига баҳо берамиз.

**1-жадвал**

**2004-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмаларининг даражаси ва динамикаси<sup>14</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар							2010 йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариши
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	
Кредит қўйилмалари умумий суммаси, млрд. сўм	3409,8	3853,3	4104,0	4757,4	6374,4	8558,2	11539,3	3,3 марта
Кредитларнинг ЯИМга нисбатан салмоғи, %	31,9	29,1	25,5	19,7	17,3	17,8	18,7	-13,2

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2004-2010 йиллар мобайнида кредит қўйилмалари мутлақ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Мазкур тенденция республикамиз банкларининг ресурс базаси ҳажми ошиб бораётганлиги билан изоҳланади. Лекин, тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг ЯИМдаги салмоғининг ушбу давр мобайнида пасайиши кузатилган. Бу эса, салбий ҳолат ҳисобланади ва иқтисодиётни банк кредитлари билан таъминлашда муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Бундан ташқари, кредитларнинг ЯИМга нисбатан салмоғи пасайиши монетизация коэффициентининг амалдаги даражасини оширишга тўсқинлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредит қўйилмаларининг ўсиши қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредитлар ўсиши эвазига ўзгаришини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, тижорат банклари томонидан берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2006-2010 йилларда республикамиз банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ҳажмида қисқа муддатли кредитлар салмоғининг пасайиш тенденцияси кузатилди. Ушбу пасайиш тенденцияси мазкур давр мобайнида узок муддатли кредитлар салмоғи ошиб борганлиги билан изоҳланади.

## 2 - жадвал

### 2004-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг муддатига кўра таркиби<sup>15</sup>, фоизда

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
<b>Кредитлар-жами</b>	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
<b>Шу жумладан:</b>							
<b>- қисқа муддатли кредитлар</b>	18,2	18,8	22,4	22,3	21,8	21,6	21,4
<b>- узок муддати кредитлар</b>	81,8	81,2	77,6	77,7	78,2	78,4	78,6

2010 йилда қисқа муддатли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2004 йилга нисбатан 3,2 фоизли пунктга ошди. Ушбу ўсиш мазкур давр мобайнида узок муддатли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 3,2 фоизли пунктга пасайганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмида узок муддатли кредитларнинг юқори салмоққа эга эканлиги хорижий банклар ва молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан катта миқдорда инвестицион лойиҳалар кредитланганлиги билан изоҳланади. Мустақиллик йилларида йирик миқдордаги хорижий кредитлар жалб қилинди ва ўзлаштирилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртангаз кимё мажмуаси каби йирик объектларни қуришда хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг кредитларидан фойдаланилди.

Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда тижорат банклари кредит портфелида узок муддатли кредитларнинг улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «...шу ўринда ўз кредит портфелида 85 фоиздан зиёд узок муддатли кредитга эга бўлган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва 71 фоиз ана шундай кредитга эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятини алоҳида қайд этишни истардим. Бундай фаолият бошқа банклар учун ўрнак бўлиши лозим»<sup>16</sup>.

2004-2010 йиллар мобайнида республикамиз тижорат банклари кредит қўйилмаларининг ҳажми мутлақ суммада ўсиш тенденциясига эга бўлган. Мазкур тенденция шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:


– 2004 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги учун

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

<sup>16</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –58. б.

тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитлар фоиз ставкалари пасайиш тенденциясининг юзага келганлиги ҳамда 2007, 2008 йилларда узоқ муддатли кредитлар ўртача тортилган фоиз ставкасининг сезиларли даражада пасайганлиги;

– 2004-2007 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари муддатли депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаларининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги туфайли, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш имконияти вужудга келди, яъни, мажбурий захира ажратмаларининг миқдори сезиларли даражада камайди, кредит ресурсларининг мультипликатив кенгайиши юз берди. Шунингдек, мажбурий захира ставкалари даражаси пул базасига, у орқали пул мультипликаторига бевосита таъсир кўрсатади.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси, инфляциянинг йиллик даражаси ва монетизация коэффиценти, %<sup>17</sup>**

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2004-2010 йилларда республикада инфляцияни жиловлашга, унинг барқарор даражасини таъминлашга муваффақ бўлинди. Ушбу омил банкларнинг кредитлаш амалиётига ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси сўнгги беш йил мобайнида барқарор даражада сақланиб қолди. Бу эса, тижорат банклари кредитлари фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Аммо республикада монетизация коэффиценти даражаси пастлигича қолди. Халқаро валюта фонди экспертларининг тавсиясига кўра, монетизация коэффиценти камида 30-33% бўлиши керак. Монетизация

<sup>17</sup> Матбуот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

коэффициентининг паст даражада бўлиши иқтисодиётда тўловсизлик муаммосини юзага келтиради, макроиқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари ва кредит қўйилмалари динамикасини биз, тадқиқот объекти сифатида танланган тижорат банклари амалиётида кўриб чиқамиз.

### 3 - жадвал

#### 2004-2010 йилларда ОАТБ «Агробанк» кредит қўйилмалари ва банк активларининг ҳолати<sup>18</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар							2010 йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариши
	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	
Кредит қўйилмалари, млрд. сўм	122,2	157,2	211,6	338,4	730,2	1015,1	1097,2	8,9 марта
Банк активлари, млрд. сўм	250,4	265,8	357,3	503,9	959,6	1377,8	1688,0	6,7 марта
Кредит қўйилмаларининг банк активлари ҳажмидаги салмоғи, %	48,8	59,1	59,2	67,2	76,1	73,7	65,0	16,2

3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2004-2010 йиллар мобайнида Агробанк кредит қўйилмалари ва активлари ўсиш тенденциясига эга бўлган. Таҳлил қилинган давр мобайнида банк кредитларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, Агробанкнинг мамлакат ссуда капиталлари бозоридаги мавқеининг юксалиб бораётганлиги ҳамда аграр соҳага давлат маблағлари ҳисобидан ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг аксарият қисми Агробанк орқали йўналтирилаётганлиги билан изоҳланади.

### 4-жадвал

#### 2005 – 2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банклари томонидан йирик кредитларга нисбатан белгиланган иқтисодий меъёрнинг бажарилиши<sup>19</sup>

№	Банклар	Йиллар						2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши
		2005	2006	2007	2008	2009	2010	
1	ТИФ Миллий банки	3,4	3,7	4,1	4,0	4,7	5,1	1,7
2	Саноатқурилишбанк	6,1	5,4	5,7	6,3	6,2	5,9	- 0,2
3	Агробанк	4,4	4,1	5,1	5,7	5,9	5,3	0,9

<sup>18</sup> ОАТБ «Агробанк»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

<sup>19</sup> Мазкур банкларнинг баланс маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

4	Ипотекабанк	5,1	5,4	6,1	6,3	6,4	6,7	1,6
---	-------------	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Маълумотлар ҳар бир молиявий йилнинг 1 январь ҳолатига олинган.

4-жадвал маълумотларидан кўринадикки, таҳлил қилинган давр мобайнида республикамизнинг йирик тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг йирик кредитларга нисбатан белгилаган иқтисодий меъёрининг бажарилиши таъминланган. Мазкур меъёрнинг меъёрий даражаси 8,0 қилиб белгиланган. Бу эса, банкларни йирик кредитлар беришда меъёрий талабнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Лекин, шу билан бирга, айрим тижорат банкларида таҳлил қилинган давр мобайнида йирик кредитлар бўйича белгиланган меъёрнинг даражасини юқори суръатларда ўсиши кузатилди. Бу эса, йирик кредитлар миқдорининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг учинчи бобида республикамиз тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

- республикамиз тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг юқори эканлиги;

- мамлакат тижорат банкларининг ялпи даромади ҳажмида кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг салмоғи нисбатан паст даражада қолаётганлиги;

- тижорат банкларининг инвестицион кредитларидан фойдаланиш учун тақдим этилган бизнес-режалардаги кўрсаткичларни етарли даражада асосланмаганлиги, берилган кредитлар устидан етарли даражада мониторинг ўрнатилмаганлиги;

- пул базасининг тижорат банкларининг кредит эмиссияси ҳажмини оширишга тўсқинлик қилаётганлиги;

- республикамиз тижорат банкларининг балансида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар салмоғининг кичик эканлиги уларни катта миқдорда кассали активларни сақланиб қолинишига олиб келмоқда;

- тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида берилган инвестицион кредитларнинг сезиларли қисмини ўз вақтида қайтмаганлиги.

## ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги **илмий хулосалар** шакллантирилди:

1. Классик иқтисодчи олим М.Фридменнинг фикрига кўра, тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг жуда катта миқдорда кредитлаб юборилиши муомалада ортиқча пул массасининг пайдо бўлишига ва натижада пулнинг қадрсизланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам М.Фридмен тижорат банклари кредит эмиссиясини Марказий банк

томонидан қаттиқ тартибга солиш, депозитларнинг ўсган қисмига нисбатан 100 % ставкада мажбурий захира талабномасини жорий этишни таклиф қилади.

В.Усоскин эса кредит линияси орқали мижозларни кредитлашда компенсацион қолдиқдан фойдаланишни таклиф қилади.

Д.Полфреман ва Ф.Фордлар томонидан мижозларнинг кредит йиғма жилдларини ўрганишга эътиборни кучайтириш орқали кредит рискинни камайтириш таклифи берилган.

Фикримизча, мижозларнинг кредит йиғма жилдлари асосида уларнинг кредит тарихини ўрганиш республикамиз банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, баъзи бир тоифа мижозлар молиявий имкониятларга эга бўла туриб, кредитни қайтармайдилар. Агар улар кредит тарихи асосида кредит бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишига қатъий амал қилишганда эди, банклар фаолиятидаги кредит рискинни сезиларли даражада камайтиришга катта ҳисса қўшган бўлар эдилар.

Уэрта де Сотонинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг кредитлари мижозларнинг ихтиёрий жамғармалари асосида берилсагина кредит эмиссияси иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. Ихтиёрий жамғармаларнинг ўсган қисми ишлаб чиқаришга кредит орқали инвестиция қилинади.

Фикримизча, Уэрта де Сотонинг ушбу илмий хулосаси республикамиз банк амалиёти учун ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрий жамғармаларини банк муассасаларига жалб этишда баъзи бир муаммоларнинг мавжудлиги сабабли, республикамиз тижорат банклари депозит базасининг етарли эмаслиги кузатилмоқда<sup>20</sup>.

2. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида тижорат банклари кредит эмиссияси в унга таъсир этувчи омилларнинг таъсир механизми тадқиқ этилган. Аммо, республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш масаласи мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган.

3. Тараққий этган мамлакатлар банк амалиёти таҳлили кўрсатдики, тижорат банклари активлари таркибида кредитлар салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди. Шу сабабли, тижорат банклари молиявий барқарорлиги биринчи навбатда, уларнинг кредит эмиссиясини ташкил қилиш ва тартибга солиш тизимининг такомиллашганлигига боғлиқ.

4. 2004-2010 йилларда кредит қўйилмалари мутлақ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилганлиги республикамиз банклари ресурс базаси ҳажмининг ошиб бораётганлиги билан белгиланади. Аммо, тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг ЯИМдаги салмоғи мазкур давр

---

<sup>20</sup> 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига, республикамиз тижорат банкларининг брутто депозитлари ҳажмида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг салмоғи 64 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса, уларнинг депозит базаси етарли эмаслигини кўрсатади. Тижорат банкларининг депозит базаси етарли бўлиши учун талаб қилиб олинадиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги керак.

мобайнида пасайганлиги салбий ҳолат ҳисобланади ва иқтисодиётни банк кредитлари билан таъминлашда муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Шунингдек, кредитларнинг ЯИМга нисбатан салмоғи пасайиши монетизация коэффицентининг амалдаги даражасини оширишга тўсқинлик қилади.

5. 2006-2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитлар умумий ҳажмида қисқа муддатли кредитлар салмоғининг пасайиш тенденцияси кузатилганлиги мазкур давр мобайнида узоқ муддатли кредитлар салмоғи ошиб борганлиги билан изоҳланади.

2010 йилда қисқа муддатли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 2004 йилга нисбатан 3,2 фоизли пунктга ошганлиги мазкур давр мобайнида узоқ муддатли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 3,2 фоизли пунктга пасайганлиги билан изоҳланади.

6. 2004-2010 йилларда Агробанк активлари таркибида салмоғига кўра, биринчи ўринни кредитлар эгаллаганлиги унинг аграр соҳани кредитлаш борасида етакчи банк эканлиги билан изоҳланади. Таҳлил қилинган давр мобайнида кредитларнинг банк активлари умумий ҳажмидаги салмоғи юқори даражада бўлди ва 2010 йилда мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръати 2004 йилга нисбатан 13,2 фоизни ташкил этган.

7. 2004-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг брутто кредитлари ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилди ва унинг қуйидаги сабаблари аниқланди:

– мамлакат Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 2004-2006 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги;

– таҳлил қилинган давр мобайнида қисқа муддатли кредитлар фоиз ставкаларида пасайиш тенденциясининг юзага келганлиги ҳамда 2008-2010 йилларда узоқ муддатли кредитлар ўртача тортилган фоиз ставкаси сезиларли даражада пасайганлиги;

– 2004-2007 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг сўмдаги муддатли депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкалари пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги.

8. 2004-2010 йилларда республикада инфляцияни жиловлашга, унинг барқарор даражасини таъминлашга муваффақ бўлинди. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси сўнгги беш йил мобайнида барқарор даражада сақланиб қолинганлиги тижорат банклари кредитлари фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Аммо, республикада монетизация коэффицентининг паст даражада қолаётганлиги иқтисодиётда тўловсизлик муаммосини юзага келтирмоқда ва шу орқали банкларнинг кредит эмиссияси ҳажмини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

9. 2005-2010 йилларда республикада йирик тижорат банкларида Марказий банк томонидан йирик кредитларга нисбатан белгиланган иқтисодий меъёрнинг бажарилиши таъминланганлиги уларни йирик кредитлар беришда меъёрий талабнинг бажарилишига алоҳида эътибор

қаратилаётганлигидан далолат беради. Аммо, айрим тижорат банкларида таҳлил қилинган давр мобайнида йирик кредитлар бўйича белгиланган меъёرنинг даражасини юқори суръатларда ўсиши кузатилганлиги йирик кредитлар миқдорининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Республикамиз тижорат банкларининг кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш мақсадида:

- банк томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда бизнес-режалардаги кўрсаткичларнинг ишончли эканлигини текшириш ва уларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш тартибини такомиллаштириш лозим;

- ўзини оқламаган лойиҳаларга берилган кредитларнинг гаров таъминоти учун қўйилган объектларни сотишни тезлаштириш ва ижросини таъминлаш;

- муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг 5 фоиздан ошмаслиги хусусидаги талаб алоҳида кўрсаткич сифатида тижорат банкларининг кредит сиёсатида белгилаб қўйилиши ва унга риоя қилиш устидан мониторинг ва назорат Банк Бошқаруви ва Кенгаши томонидан доимий равишда олиб борилиши лозим.

2. Республикамиз тижорат банклари кредитлардан олинадиган фоизли даромадларининг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

- биринчидан, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг пасайишига йўл қўймаслик зарур;

- иккинчидан, кредитлар фоиз ставкалари кескин тебранишининг олдини олиш лозим;

- учинчидан, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш зарур.

3. Пул базасининг кредит мультипликаторига таъсир даражасини пасайтириш йўли билан тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантириш, монетизация коэффициентининг амалдаги даражасини сезиларли даражада ошириш лозим.

4. Марказий банкнинг РЕПО операциялари ҳажмини ошириш йўли билан тижорат банкларининг ликвидлиги ва кредит эмиссияси даражасини ошириш зарур.

5. Тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг кредит эмиссияси миқдорини ошириш лозим.

6. Гаровга қўйилган мулклар қийматини ҳар йили қайта баҳоланишининг зарурлиги, шу мулкларни баҳоловчи-экспертлар томонидан берилган хулосаларга мос келишини назорат қилиш лозим.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Умарова З.С. Тижорат банклари кредит эмиссиясини рағбатлантиришда очик бозор операцияларининг ўрни // Иқтисодий ўсишнинг янги сифати: инновация, рақобатбардошлик, инвестициялар: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Молия, 2008. – Б.59-62.

2. Умарова З.С. Тижорат банкларида кредит эмиссиясини тартибга солиш масалалари // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане: материалы международной научно-практической конференции. – Москва, 2008. – С.314-315.

3. Умарова З.С. Ўзбекистон тижорат банкларида кредит эмиссияси // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2008. - №7. – Б. 6-8.

4. Умарова З.С. Денежная эмиссия и ее особенности в Узбекистане // Экономика и финансы. – Москва, 2008. - №8. – С. 45-46.

5. Тижорат банклари кредит эмиссиясининг меъерий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия бозорини такомиллаштириш: республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. – Тошкент: 2009. – Б.93-95.

6. Холмахмадов З.А., Умарова З.С. Тижорат банклари кредит экспансиясининг барқарор макроиқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашдаги роли // Банк тизими барқарорлигини ошириш ва ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Молия, 2010. – Б.168-171.

7. Умарова З. Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2010. - № 9. – Б. 9-10.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор  
Умарова Зулхумор Сайфуллаевнанинг 08.00.07 —«Молия, пул муомаласи  
ва кредит» ихтисослиги бўйича «Ўзбекистон Республикасида тижорат  
банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш»  
мавзусидаги диссертациясининг**

**РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** кредит, кредит эмиссияси, фоиз ставкаси, мажбурий захира, қайта молиялаш, иқтисодий меъёр, бонификация, имтиёзли кредит, имтиёзли давр, дисконт, тратта, очик бозор операцияси, гаров.

**Тадқиқот объектлари:** Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банкларининг кредитлаш амалиёти.

**Тадқиқот мақсади:** Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** гуруҳлаш, таркибий, қиёсий таҳлил, молиявий коэффицентлар, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** тижорат банклари кредит эмиссиясининг назарий асослари бўйича илмий хулосалар шакллантирилган; республикамиз тижорат банкларининг кредитлардан олинадиган фоизли даромадларининг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи барқарорлигини таъминлаш йўллари ишлаб чиқилган; пул базасининг кредит мультипликаторига таъсир даражасини пасайтириш орқали тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган; Марказий банкнинг Репо операциялари ҳажмини ошириш йўли билан тижорат банкларининг ликвидлигига ва кредит эмиссияси даражасига таъсирини кучайтириш таклиф қилинган; кредитлар учун гаровга қўйилган мулклар қийматини ҳар йили қайта баҳоланишининг зарурлигини, шу мулкларни баҳоловчи-экспертлар томонидан берилган хулосаларга мос келишини назорат қилиш таклиф қилинган.

**Амалий аҳамияти:** диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар республикамиз тижорат банкларининг кредит эмиссиясини тартибга солишни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот жараёнида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Пул, кредит ва банклар», «Банк иши» ва «Монетар сиёсат» фанлари, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилиши мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, олий ўқув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Умаровой Зулхумор Сайфуллаевны  
на тему: «Совершенствование регулирования кредитной эмиссии  
коммерческих банков в Республике Узбекистан» на соискание учёной  
степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 –  
«Финансы, денежное обращение кредит»

**Ключевые слова:** кредит, кредитная эмиссия, процентная ставка, обязательный резерв, рефинансирование, экономический норматив, бонификация, льготный кредит, льготный период, дисконт, тратта, операция открытого рынка, залог.

**Объекты исследования:** практика кредитования крупных коммерческих банков Республики Узбекистан.

**Цель работы:** разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на совершенствование регулирования кредитной эмиссии коммерческих банков Республики Узбекистан.

**Методы исследования:** группировка, структурный, сравнительный анализ, финансовые коэффициенты, экспертная оценка, индукция и дедукция.

**Полученные результаты и их новизна:** сформулированы научные выводы по теоретическим основам кредитной эмиссии коммерческих банков; разработаны пути обеспечения стабильности удельного веса процентных доходов по кредитам в валовом доходе коммерческих банков республики; обоснована целесообразность стимулирования кредитной экспансии банков путем снижения влияния денежной базы кредитному мультипликатору; предложено усиление воздействия Центрального банка на ликвидность и кредитную эмиссию коммерческих банков путем повышения объемов операций Репозитория; обоснована необходимость правильности ежегодной периодической оценки заложенного имущества по кредитам и контроля за ее соответствие с заключениями экспертов-оценщиков.

**Практическая значимость:** разработанные научные предложения и практические рекомендации могут быть использованы при разработке мер по совершенствованию регулирования кредитной эмиссии коммерческих банков республики.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** полученные в диссертационной работе выводы и рекомендации приняты для внедрения в практике Центрального банка Республики Узбекистан. Материалы диссертации можно использовать в совершенствовании учебных программ и в процессе преподавания курсов «Деньги, кредит, банки», «Банковское дело» и «Монетарная политика».

**Область применения:** Центральный банк Республики Узбекистан, коммерческие банки, высшие учебные заведения.

## RESUME

**Thesis of Umarova Zulkhumor Sayfullayevna  
on the scientific degree competition of the candidate of sciences  
in economics, on speciality 08.00.07 - «Finance, money circulation and credit»,  
subject:  
«Perfection of regulation of credit issue of commercial banks in Republics  
Uzbekistan»**

**Key words:** the credit, credit issue, the interest rate, an obligatory reserve, refinancing, the economic specification, бонификация, the soft loan, a grace period, discount, the bill of exchange, operation of the open market, pledge.

**Subjects of the research:** practice of crediting of large commercial banks of Republic Uzbekistan.

**Purpose of work:** working out of scientific offers and the practical recommendations directed on perfection of regulation of credit issue of commercial banks of Republic Uzbekistan.

**Methods of research:** grouping, the structural, comparative analysis, financial factors, an expert estimation, an induction and deduction.

**The results obtained and their novelty:** scientific conclusions on theoretical bases of credit issue of commercial banks are formulated; ways of maintenance of stability of relative density of percentage incomes under credits in volume of the gross revenue of commercial banks of republic are developed; are proved expediency of stimulation of credit issue of banks by decrease influence of monetary base to the credit animator; it is offered strengthening of influence of the Central bank on liquidity and credit issue of commercial banks by increase of volumes of operations Repo; are proved necessity of a periodic estimation of the put in pawn property under credits and the control over its conformity to the conclusions of experts-appraisers.

**Practical value:** the developed scientific offers and practical recommendations can be applied by working out of measures on perfection of regulation of credit issue of commercial banks of republic.

**Degree of embed and economic effectivity:** the conclusions received during research and the recommendation are accepted for use in practice of the Central bank of Republic Uzbekistan. Dissertation materials can be used in perfection of curriculums and in the course of teaching of courses «Money, the credit, banks», "Banking" and «the Monetary policy».

**Field of application:** the Central bank of Republic Uzbekistan, commercial banks, higher educational institutions.

Тадқиқотчи \_\_\_\_\_